

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.28.02.2018.Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**КЕНЖАБОЕВ ШУКУРЖОН ШАРИПОВИЧ**

**ЭГИЛУВЧАН БЎҒИНЛИ ВА ҚАЙИШҚОҚ ЭЛЕМЕНТЛИ РИЧАГЛИ  
МЕХАНИЗМЛАРНИНГ КОНСТРУКТИВ СХЕМАЛАРИНИ ВА  
ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.02 –Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина  
деталлари**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doktoral dissertation**

**Кенжабоев Шукуржон Шарипович**

Эгилувчан бўғинли ва қайишқоқ элементли рычагли механизмларнинг  
конструктив схемаларини ва ҳисоблаш усулларини ишлаб

чиқиш.....3

**Кенжабоев Шукуржон Шарипович**

Разработка конструктивных схем и методы расчета рычажных механизмов с  
упругими элементами и гибкими звеньями.....29

**Kenjaboyev Shukurjon Sharipovich**

Development of design schemes and methods for calculating lever mechanisms with  
elastic elements and flexible links.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.28.02.2018.Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**КЕНЖАБОЕВ ШУКУРЖОН ШАРИПОВИЧ**

**ЭГИЛУВЧАН БЎҒИНЛИ ВА ҚАЙИШҚОҚ ЭЛЕМЕНТЛИ РИЧАГЛИ  
МЕХАНИЗМЛАРНИНГ КОНСТРУКТИВ СХЕМАЛАРИНИ ВА  
ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.02 –Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина  
деталлари**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.DSc/T246 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Джураев Анвар Джураевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алимухамедов Шавкат Пирмухамедович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Маҳкамов Қобил Хамдамович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Мухаммадиев Давлат Мустафаевич**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.T.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «2» март соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 246-46-00/ 227-10-32, e-mail: [tadqiqotchi@tdtu.uz](mailto:tadqiqotchi@tdtu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (115 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2019 йил «16» февралда тарқатилди.  
(2019 йил «16» февралдаги 67 рақамли реестр баённомаси).

**К.А. Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Н.Д. Тураходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**Р.И. Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## Кириш (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда машинасозликни такомиллаштиришда, хусусан энергия ва ресурстежамкор, юқори тезликда ишлайдиган техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга қўллаш, маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга ресурстежамкор машина ва механизмларни янги конструкцияларини яратиш, ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШ, Франция, Германия, Япония, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатларнинг илмий-тадқиқот марказларида рақобатбардош ҳамда сифатли маҳсулотлар олишда юқори самарадорликка эга ва ресурс тежамкор технологияларни яратишда машина ва механизмларнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда текис ричагли ва эгилувчан бўғинли механизмларни яратиш, синтез қилиш, параметрларини асослаш учун структуравий, кинематик ва динамик анализ усулларини ишлаб чиқиш ҳамда машинасозлик ишлаб чиқариш жараёнларини сифатли бажарилишини таъминлайдиган техника ва технологияларни яратиш бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида, юқори унумдор ва технологик кўрсаткичларга эга тикув, жунни тараш ҳамда тозалаш машиналарини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга жунни табиий хусусиятларини сақлаган ҳолда тозалаш жараёнининг режим ва кўрсаткичларини оптималлаштириш, тикув буюмларини сифатини ошириш учун жун тозалаш, тараш ва тикув машиналарини ишчи органларини ва узатиш механизмларинининг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда машинасозликни ривожлантириш, машина ва механизмларнинг янги авлодларини яратиш бўйича чуқур назарий ва тажрибавий тадқиқотлар олиб боришга, хусусан енгил саноат ва тўқимачилик саноатининг технологик машиналари учун юқори самарали ва ресурстежамкор механизмларни янги авлодларини ишлаб чиқиш бўйича катор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантири бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»<sup>1</sup> вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани амалга ошириш, жумладан, жунни қайта ишлайдиган ва тикув машиналарида юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлашни таъминлайдиган ишчи органларнинг керакли ҳаракат қонунларини олиш имконини берадиган эгилувчан бўғинли ва қайишқоқ элементли ричагли

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

механизмларнинг конструктив схемаларини ҳамда ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожланиш чоралари бўйича дастур ҳақида”ги, 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон “Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Машина ва механизмларнинг янги турларини яратиш ҳамда уларни структуравий, кинематик ва динамик ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of California (АҚШ), Paris institute of technology (Франция), Institute fur Textilmaschinen und Textile Hochleistungs werkstofftechik (Германия), University of Science and Technology of China, China Textile Academy, (Хитой), Toyota Sewing System (Япония), Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети (Россия), Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти (Ўзбекистон) томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Машина ва механизмларни янги схемаларини лойиҳалаш, моделлаштириш ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш, эксплуатацион характеристикаларини оптималлаштириш, механизмларни анализ ва синтез қилиш, эгилувчан бўғинли ва қайишқоқ элементли ричагли механизмларнинг янги конструкцияларини яратишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ричагли механизмларни янги схемаларини лойиҳалаш усуллари ишлаб чиқилган (California Institute of Technology, АҚШ ва Paris institute of technology, Франция); эгилувчан бўғинли ричагли механизмларни моделлаштириш ва ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган (University of Science and Technology of China, Хитой ва Toyota Sewing System, Япония); жун тараш ва тозалаш машиналардаги ричагли механизмларнинг эксплуатацион харкатеристикалари оптималлаштирилган (Institute fur

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.dissercat.com>; <https://spb.knitism.ru>; <https://studopedia.su>; <http://rustm.net/catalog/article>; <http://www.worldatles.com>; <https://www.statistica.com>; <https://geographyofrussia.com/legkava-promyshlennost-mira>. ва бошқа манбалардан олинган.

Texilmaschinen und Textile Hochleistungs werkstofftechik, Германия ва China Textile Academy, Хитой); механизмларни кинематик ва динамик синтези ҳамда анализининг мақбул усуллари ишлаб чиқилган (Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Россия ва Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамли институти ҳамда Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон); эгилувчан бўғинли ва қайишқоқ элементли ричагли механизмларнинг янги конструкциялари яратилган (Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон).

Машина ва механизмлар бўйича Ҳалқаро Федерацияси (IFToMM) қарорига мувофиқ, механизмлар ва машиналар назарияси бўйича қуйидаги долзарб илмий йўналишлар белгиланган: машиналар динамикасида – машиналарнинг ишчи қисмлари ва механизм бўғинлари ҳаракат қонунларини тадқиқ этиш; тишли узатмаларда-янги конструкцияларини ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш; инсон-машина ва роботларда – машиналар ҳаракатларини автоматлаштириш; автоматик, пневматик ва гидравлик системаларда – машиналар ҳаракатларини автоматик бошқариш; модели анализда – машина ва механизмлар учун математик, график ва компьютер дастурларини яратиш; титрашни назорат қилишда – титрашни камайтиришнинг янги усулларини яратиш; пассив ва фаол виброҳимояда – объектларни титрашдан муҳофаза қилишни тадқиқ этиш; тасодифий титрашда – машина ва механизмларни ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган тасодифий титрашларни камайтириш; жиҳозлардаги шовқин бўйича – иш жараёнида ҳосил бўладиган шовқиннинг эргономикасини тадқиқ этиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё олимлари томонидан мураккаб ҳаракат қонунларини олишни таъминлайдиган турли конструкциядаги ричагли ва эгилувчан бўғинли механизмларнинг янги схемаларини яратиш ва уларни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган.

Дунёнинг етакчи олимлари, жумладан АҚШ ва Франция тадқиқотчилари Michael McCarthy, Manfred L Husty, Raoul Bricard мураккаб ҳаракат қонунларини олиш имконини берадиган ричагли механизмларнинг янги конструктив схемаларини лойиҳалаш усуллари устида илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Бу тадқиқотлар натижалари асосида ричагли механизмларнинг янги конструкциялари ишлаб чиқилган ва тикув ҳамда тўқув машиналарининг узатиш механизмларини такомиллаштиришга эришилган. Хитой ва Япония олимлари Yueqing Yu, Zhang Na, Jiang Qimi, Wang Wei ва Chang You Li эгилувчан бўғинли ричагли механизмларни моделлаштириш ва ҳисоблаш усулларини тадқиқ қилиб, моделлаштириш программалари ёрдамида ҳаракат қонунлари аниқлаш усулларини ишлаб чиқишган. Германия ва Хитой олимлари Chokri Cherif, Subille Krzywinski, Xianquan Duan, Jigang Xu ва Yushan Sun жун тараш ва тозалаш машиналари ишчи органларининг эксплуатацион харктеристикалари оптималлаштириш бўйича катор тадқиқотларни олиб борганлар. Бу тадқиқотлар натижасида титраш ва ейилишга чидамли бўлган ишчи органлар конструкциялари ишлаб чиқилган.

МДХ олимларидан Л.В.Ассур, П.Л.Чебишев, П.О.Сомов, А.А.Малышев, И.И.Артоболевский, янги машина ва механизмларни яратиш, структуравий анализ қилиш асосларини яратишган. В.А.Юдин, А.П.Бессонов, Ф.М.Куровский, Н.И.Колчин, Н.И.Левитский, Э.Е.Пейсах, В.А.Зиновьев, С.А.Черкудинов, Ф.Л.Литвин, С.Абдураимов, У.А.Джолдасбековлар текис ричагли механизмларни кинематик ҳамда динамик синтези ва анализи бўйича тадқиқотлар олиб бориб, Ассур гуруҳидаги юқори синф механизмларнинг ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишган. К.А.Каримов, Р.И.Каримов, Ш.П.Алимухамедов, Ғ.Ш.Зокировлар тишли, кулачокли ва ричагли механизмларни конструктив схемаларини лойиҳалаш усулларини ишлаб чиқишган. А.Д.Джураев технологик машиналарнинг узатиш механизмларидаги тишли, эгилувчан бўғинли ва ричагли механизмларни конструкцияларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда уларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқган. Ричагли механизмларнинг конструктив схемаларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича кўплаб илмий натижаларга эришилишига қарамай, ҳали ечимини топмаган муаммолар кўп. Жумладан, эгилувчан бўғинли ва қайишқоқ элементли ричагли механизмларнинг кинематик жуфтларидаги ортиқча боғланишлар сонини аниқлаш, узатиш механизмларида тишли ғилдираги ва етакланувчи юлдузчаси таркибли бўлган узатмалар билан жиҳозланган машиналарда жун тозалаш ва тараш масалалари етарлича ўрганилмаган. Юқорида келтирилган муаммолар ечимини топиш учун эгилувчан бўғинли ва қайишқоқ элементли ёпиқ контурли ричагли механизмларнинг ресурс тежамкор конструкцияларини ишлаб чиқиш, уларни структуравий ҳисоблаш, кинематик ва динамик жиҳатдан синтез ҳамда анализ қилиш усулларини такомиллаштириш учун тадқиқотлар ўтказиш зарур.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ишлари режасининг №ФМ-1-040 “Эгилувчан звеноли ва ўзгарувчан параметрли кулисаги механизмлар динамикаси” (2005-2006 йй.), №Ф5-032 “Ўзгарувчан параметрли механизмларнинг анализ ва синтези илмий асосларини ишлаб чиқиш” (2007-2011 йй.) №ОТ-Ф2-61 “Тўқимачилик ва енгил саноати асосий технологик машиналарнинг таркибли кинематик жуфтли ва қайишқоқ элементли янги ричагли механизмларни ҳисоблашнинг илмий асосларини яратиш” (2017-2020 йй.), №ВА-ОТА3-04 “Жунни ўсимлик кўшимчаларидан тозалаш учун ресурс тежамкор ва юқори самарадор машиналарнинг конструкцияларини ва параметрларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш” (2017-2018 йй.), №ЁОТ-Фтех-2018-53 “Маҳаллий жунларни ўсимлик кўшимчаларидан тозалаш технологиясини илмий асосларини ишлаб чиқиш” (2018-2019 йй.) мавзулардаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эгилувчан бўғинли ва қайишқоқ элементли ричагли механизмларнинг янги схемаларини ва параметрларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.



### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

эгиловчан бўғинли кулисали механизмларнинг янги схемаларини ишлаб чиқиш;

технологик машиналар юритмалари учун қайишқоқ элементли кривошип-ползунли ва кривошип-коромислоли механизмларни ишлаб чиқиш;

ричагли, кулачокли ва тишли механизмларнинг кинематик жуфтларидаги ортиқча боғланишлар сонини камайтириш имконини берадиган қайишқоқ элементларни ўрнатиш схемалари ва усулларини ишлаб чиқиш;

эгиловчан бўғинли ва ўзгарувчан параметрли кулисали механизмларни кинематик анализ усулини ишлаб чиқиш, симметрик эгиловчан контурга эга бўлган кулисали механизмлар учун умумлашган кинематик моделни тузиш;

таркибли кинематик жуфтлардаги қайишқоқ втулкаларнинг максимал деформациясини ҳисобга олган ҳолда тўрт бўғинли ричагли механизмлар бўғинларини кинематик параметрларини аниқлаш учун аналитик боғланишларни ишлаб чиқиш;

қайишқоқ боғланишли кривошип-коромислоли механизм коромислосининг четки ҳолатидаги машина агрегатининг динамик масалаларини ечиш;

валлардаги буровчи моментни ўзгартиришдан шестерня ва ғилдирак втулкаларининг бурчак силжишлари деформациясини ўзгариши ҳамда таркибли тишли ғилдиракдаги втулка амортизаторини силжиш деформациясини ва силжиш модули орасидаги боғланишни асослаш;

симметрик эгиловчан контурли ва ўзгарувчан параметрли кулисали механизмларнинг кинематик ва динамик моделини тузиш ҳамда параметрларини асослаш;

ишлаб чиқариш синов натижалари асосида тикув машиналари ва жунни тозалаш, тараш машиналарининг юритмаларидаги қайишқоқ элементли таркибли юлдузчаси бўлган ёпиқ контурли занжирли узатма ҳамда таркибли кинематик жуфтли ричагли механизмларнинг сифат кўрсаткичларини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида технологик машиналардаги эгиловчан бўғинли кулисали, кривошип-коромислоли, тишли механизмлар ва таркибли ҳамда қайишқоқ элементли юлдузчаси бўлган ёпиқ занжирли узатма олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** структуравий ва кинематик схемалар, механизм бўғинлари ҳаракатини ифодаловчи математик, динамик моделлар, график боғланишлар, прибор ва қурилмалар, механизмларнинг ҳаракат қонунлари ва параметрларининг тавсия этилган қийматларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида олий математика, машина ва механизмлар назарияси, тебранишлар назарияси, машиналар динамикаси, тикувчилик ишлаб чиқариши ва жунни тозалаш технологияси усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қайишқоқ элементли текис ричагли, кулачокли ва тишли механизмларнинг кинематик жуфтларидаги ортиқча боғланишлар сонини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

графлар назарияси асосида эгилувчан бўғинли кулисали механизмларни структуравий анализ ва синтез қилиш усули ишлаб чиқилган;

эгилувчан бўғинли ва ўзгарувчан параметрли кулисали механизмларни кинематик анализи асосида, симметрик эгилувчан ёпик контурли кулисали механизмнинг умумлашган кинематик модели ишлаб чиқилган;

кулиса стерженини етакловчи бўғинга боғланиш характериға боғлиқ ҳолда етакланувчи бўғиннинг ҳаракат траекторияси аниқланган;

таркибли кинематик жуфти бўлган ричагли тўрт бўғинли механизмни қайишқоқ втулкаларининг максимал деформацияланишини ҳисобға олган ҳолда бўғинларнинг кинематик параметрларини ҳисоблаш формулалари ишлаб чиқилган;

валлардаги буровчи моментни ўзгариши билан шестерня ва ғилдирак втулкаларининг бурчак силжишлари деформациясини ўзгариши ҳамда таркибли тишли ғилдиракдаги втулка амортизаторини силжиш деформацияси ва силжиш модули орасидаги боғланиш графиги ишлаб чиқилган;

ишқаланиш моментини кинематик жуфт узунлиги ва ариқча (канавка) энини ўзгаришиға боғлиқ ҳолда ўзгаришини ифодалаш имконини берадиган боғланишлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

технологик машиналар юритмалари учун эгилувчан бўғинли кулисали механизмларнинг янги схемаси ишлаб чиқилган;

жун тозалаш ва тараш машиналари юритмасидаги қайишқоқ элементли ҳамда таркибли юлдузчаси бўлган ёпик контурли занжирли узатмалар конструкцияси такомиллаштирилган;

тикув машиналарида материал суриш ва игна механизмларидаги кривошип-ползунли ва кривошип-коромислоли механизмлар конструкциялари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аниқ қўйилган вазифа асосида оинган, назарий тадқиқотлар натижаларини тажриба тадқиқотлар маълумотлари билан мутаносиб келиши, тавсия этилган механизмларни юритма сифатида технологик машинаға ўрнатилиб, ўтказилган тажриба синовининг ижобий натижалари билан тақослаш орқали изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эгилувчан бўғинли кулисали механизмлар, қайишқоқ элементли ричагли, тишли ва занжирли механизмларнинг янги конструкциялари ва уларнинг параметрларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш, структуравий, кинематик ва динамик масалаларини ечилиши, ишчи органларнинг ҳаракат қонунларини аниқлаш ва уларнинг параметрларини асосланиши, график боғланишларни аниқланганлиги ва технологик машиналар юритмалари учун параметрларни тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти қайишқоқ элементли ва таркибли кинематик жуфтга эға кривошип-ползунли ҳамда кривошип-коромислоли механизмларнинг жун тозалаш ва тараш, тикув машинасида материални суриш ва игна механизмининг янги схемалари яратилиши,

шунингдек, қайишқоқ элементли таркибли юлдузчаси бўлган ёпиқ контурли занжирли узатма яратилиши бидан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Эгилувчан бўғинли ва қайишқоқ элементли ричагли механизмларнинг янги схемаларини ва параметрларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш учун олиб борилган тадқиқотлар бўйича илмий натижалар асосида:

узатиш механизмида қайишқоқ элементли таркибли юлдузчаси бўлган ёпиқ контурли занжирли узатма билан жиҳозланган жун тозалаш ва тараш консерваль машинасининг модернизацияланган секцияси “Ўзчармсаноат” уюшмаси тизимидаги корхонада, жумладан “О`КТАМ-КО” МЧЖ корхонасида жорий этилган (“Ўзчармсаноат” уюшмасининг 2018 йил 29 ноябрдаги МЗ-3/2490-сон маълумотномаси). Натижада толаларни ажралиш коэффицентини 0,93% га пасайтириш, ажратиб олинган ифлосликлардаги жун толалари миқдорини 2,5-3,5% га камайтириш ва ишчи органларнинг иш ресурсларини 15-20% гача ошириш имконини берган;

ишлаб чиқилган материални суриш механизми асосида модернизациялашган тикув машинаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимидаги корхонада, жумладан “Маишийтехсоз” МЧЖ корхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2018 йил 4 декабрдаги БМ-06-6305-сон маълумотномаси). Натижада тикув машинасининг иш унумини 15-20% гача ошириш имконини берган;

ишлаб чиқилган игна механизми асосида такомиллаштирилган тикув машинаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимидаги корхонада, жумладан “Маишийтехсоз” МЧЖ корхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2018 йил 4 декабрдаги БМ-06-6305-сон маълумотномаси). Натижада тикув машинаси игнасининг иш ресурсини 2,1-2,4 мартага ошириш имконини берган;

ишлаб чиқилган таркибли кинематик жуфтли янги кривошип-ползунли механизми бўлган тикув машинаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимидаги корхонада, жумладан “ХУЖАОБОД” МЧЖ конхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2018 йил 4 декабрдаги БМ-06-6305-сон маълумотномаси). Натижада мавжуд тикув машинасига нисбатан модернизациялашган тикув машинасининг иш унумини 1,1-1,2 мартага ошириш имкони яратилган;

ишлаб чиқилган таркибли кинематик жуфтли янги кривошип-коромислоли механизми бўлган тикув машинаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимидаги корхонада, жумладан “ХУЖАОБОД” МЧЖ конхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2018 йил 4 декабрдаги БМ-06-6305-сон маълумотномаси). Натижада мавжуд тикув машинасига нисбатан модернизациялашган тикув машинасининг иш ресурсини 2,2-2,7 мартага ошириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 11 та халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 1 та ихтиро учун патент олинган, 28 та илмий ишлар чоп этилган., Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси Республика ва 4 таси хорижий, журналларида ва 2 та монография нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва хажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация хажми 200 бетни ташкил этади.

Муаллиф диссертация иши бўйича назарий ва тажрибавий тадқиқотларни бажаришда маслаҳатлари учун устоз олим, т.ф.д., профессор К.А.Каримовга чуқур миннатдорчилик билдиради.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметлари аниқланган, республика фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қайишқоқ элементли текис ричагли ва эгилувчан бўғинли кулисали механизмлар ва улар конструктив схемаларини ўрганиш ишлари таҳлили”** деб номланган биринчи бобида ричагли механизмларнинг конструкциялари ва таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича қилинган ишлар баён этилган адабиётлар таҳлиliga бағишланган ҳамда мавжуд шундай механизмларнинг конструктив ва кинематик камчиликлари кўрсатиб ўтилган.

Ҳ.Х.Усмонхўжаев, А.Джураев, Ғ.Ш.Зокиров, К.А.Каримов, Р.И.Каримов, Ш.П.Алимухамедов, А.А.Малышев, В.А.Юдин, А.П.Бессонов, Ф.М.Куровский, Н.И.Колчин, Н.И.Левитский, Э.Е.Пейсак, В.А.Зиновьев, С.А.Черкудинов, Ф.Л.Литвин, С.Абдураимов, У.А.Джолдасбеков ва бошқалар томонидан ричагли механизмларнинг кўплаб янги схемалари яратилган ҳамда уларнинг кинематик ва динамик ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган. Бироқ ҳаракат қонуни корректланган ва ортиқча боғланишлар сонини йўқотадиган қайишқоқ элементли ричагли механизмлар кинематик схемалари ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, қайишқоқ элементни ҳисобга олган ҳолда бундай механизмларнинг анализ ва синтез қилиш усуллари етарли эмас. Шу сабабли, қайишқоқ элементли ричагли механизмларнинг бир нечта янги схемалари ишлаб чиқилди.

1-расмда янги яратилган эгилувчан бўғинли кулисали механизм (ЭБКМ)лар тасвирланган. Тасвирланган ЭБКМ етакловчи 1 ва йўналтирувчи шкив 2лар, уларни қамраб олган эгилувчан бўғин 3, ричаг 4лар, бунда ричаг

4лар бир учи билан етакловчи бўғинга шарнирли боғланган ва кейинги учи билан иккита йўналтирувчи шкивлар айланиш ўқларига шарнирли боғланган, кулиса стержен 5, бир учи билан етакловчи шкив ва иккинчи учи билан эгилувчан бўғинга кулиса тоши орқали боғланган. Бунда ричагларнинг учи ва кулиса стерженининг бир учи етакловчи бўғинга битта ўқ билан шарнирли боғланган. Бундай боғланиш эвазига етакловчи бўғин 5га текис айланма-тебранма ҳаракат берилади. Шу билан бирга йўналтирувчи шкивларнинг айланиш ўқлари ричагларга шарнирли боғланганлиги сабабли циклик ўзгарувчан йўналишди “e” масофага тенг бўлган масофага силжиб ҳаракатланади.



1-расм Эгилувчан бўғинли кулисали механизм

ЭБКМнинг 1б-расмда тавсия этилаётган схемасида етакланувчи бўғин текис параллел илгариланма-қайтма ва айланма ҳаракатларни бажаради.


Тавсия этилаётган кривошип-коромислоли механизм куйидагилардан ташкил топган: таянч (корпус) 1, кривошип 2, шатун 3 ва коромисло 4 ўзаро бир-бири билан *A, B, C, D* шарнирлар орқали боғланган. Коромисло *D* шарнири билан таянч 1га резина ёстиқча 5 воситасида ўрнатилган ва коромисло ҳар икки томонидан қайишқоқ (резина) амортизаторлар 6 ва 7 орқали таянчга боғланган (2а-расм).

Тавсия этилаётган кривошип-коромислоли механизм коромислони энг четки ҳолатидан қайтишда ҳосил бўладиган тебраниш режимини силлик ўтишига имкон беради ва бу эса механизмнинг иш ресурсини ҳамда ишончлилигини оортишини таъминлайди.

Тавсия этилаётган кейинги кривошип-коромислоли механизм: таянч 1, кривошип 2, шатун 3 ва коромисло 4дан иборат. 2 ва 3, 3 ва 4, 4 ва 1 бўғинлар орасидаги шарнирлар таркибли тайёрланган бўлиб, ўқ 5 ва унга кийдирилган қайишқоқ втулка 6 ва ўз навбатида унга механизмнинг 1, 2, 3, 4 бўғинлари билан бикр боғланган втулка 7 ўрнатилган. Бунда қайишқоқ втулкалар бнинг қалинлиги куйидаги тенгликдан олинган:

$$\Delta_1 = \frac{l_2}{l_1} \cdot 1,0 \text{ мм}; \quad \Delta_2 = \frac{l_3}{l_2} \cdot 1,0 \text{ мм}; \quad \Delta_3 = \frac{l_4}{l_3} \cdot 1,0 \text{ мм},$$


бу ерда  $l_1, l_2, l_3, l_4$ -мос ҳолда 1, 2, 3, 4-бўғинларнинг узунликлари.



2-расм. Кривошип-коромислоли механизм

Бундай механизм технологик жараёни интенсификациялаш учун машинадаги бўғин (ёки бўғин нуқтасини) ҳаракатини зарур бўлганда ўзгартириш (корректлаш) имконини беради.

Айланма кинематик жуфтликнинг ишлаб чиқилган ресурстежамкор конструкциясидаги ички цилиндрик тешик 2га ўрнатилган ва улар доимий контактда бўлиб, цилиндр 1 корпус 3нинг қўзғалмас цилиндри 2га нисбатан айланиши мумкин. Бунда 1 ва 2 цилиндрларнинг ўқи бўйича нисбий ҳаракати мавжуд эмас, чунки цилиндр (вал) 1да буртиқлар 4 ҳосил қилинган. Цилиндр 1да аниқ қадам ва чуқурликка эга ариқчалар 5 бўлиб, уларнинг кўндаланг кесими айлана шаклига эга. Корпус 3нинг цилиндри 2да тешик 6 бўлиб, у орқали кинематик жуфт элементларига мойловчи материал юборилади (3-расм).




3-расм. Бешинчи синф айланма кинематик жуфт

Узатма валларидаги тебранишлар миқдорини камайтириш, иш ресурсини ошириш, шунингдек, шовқинни камайтириш мақсадида тишли узатманинг янги схемаси ишлаб чиқилди (4-расм). Бундай механизмда қайишқоқ втулка 10нинг кўндаланг кесим юзасини қайишқоқ втулка 9ни кўндаланг кесим юзасига нисбати тишли узатманинг узатиш сонига тенг қилиб олинган, яъни қуйидаги тенглик бажарилади:

$$u_{12} = \frac{\dot{\varphi}_1}{\dot{\varphi}_2} = \frac{S_2}{S_1} = \frac{R_2^2 - R_1^2}{r_2^2 - r_1^2},$$

бу ерда  $\dot{\varphi}_1, \dot{\varphi}_2$ -мос равишда 1 ва 2 тишли ғилдирақларнинг бурчак тезлиги;  $R_1, R_2$ - қайишқоқ втулка 10нинг ички ва ташқи радиуслари;  $r_1, r_2$ - қайишқоқ втулка 9ни ички ва ташқи радиуслари.



4-расм. Таркибли тишли ғилдиракли узатма

Тавсия этилаётган тишли узатмада қайишқоқ втулкаларнинг амортизацияси ҳисобига тишларни ёйилиши ва узатмадаги шовқинлар камаяди.


Диссертациянинг “Қайишқоқ элементли текис ричагли механизмларни структуравий анализ усулларини ишлаб чиқиш” деб номланган иккинчи бобида қайишқоқ элементли текис механизмлар, ричагли механизмлар ҳамда ЭБКМларнинг структуравий анализ ва синтез усулларини ишлаб чиқиш бўйича қилинган тадқиқот натижалари келтирилган.

ЭБКМни структуравий анализи учун қуйидаги структура формуласи тавсия қилинган

$$W=3(N_1+N_2+N_3+N_4)-2P, \quad (1)$$

бу ерда  $N_1$ -шківлар сони;  $N_2$ -эгилювчан бўғинлар сони;  $N_3$ -стерженлар сони;  $N_4$ -бошқа кўзғалувчан бўғинлар сони;  $P$ -барча кинематик жуфтлар сони.

Бунда структура формуласи ва структура гуруҳлари 5-расмда тасвирланган.



5-расм. ЭБКМни структура формуласи (а) ва структура гуруҳлари (б)

Ричагли механизмларнинг кинематик жуфтларидаги ортиқча боғланишлар сони учун қайишқоқ элементлардан фойдаландик. Бундай механизмларни кўзғалувчанлик даражасини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия этилди


$$W = 6n - 5P_5 - 4P_4 + k + q, \quad (2)$$

бу ерда  $n$ -механизмдаги кўзғалувчан бўғинлар сони;  $P_5$ -бешинчи синф кинематик жуфтлар сони;  $P_4$ -4-класс кинематик жуфтлар сони;  $q$ -ортиқча боғланишлар сони;  $k$ -бўғинлар орасидаги ва кинематик жуфтлардаги, шунингдек, таркибли кинематик жуфтлардаги қайишқоқ элементлар сони.

2-расмда тасвирланган таркибли кинематик жуфтларга эга кривошип-коромислоли механизм учун (2) формулани қўлласак, ортиқча боғланишлар сони йўқолади, яъни:  $n=3$ ,  $P_5=4$ ,  $P_4=0$ ,  $W=1$ ,  $k=3$ ,  $q=0$ . худди шунингдек, 4-расмда тасвирланган таркибли ғилдираклардан иборат узатмада қайишқоқ

втулкаларни ўрнатиш билан ортикча боғланишлар сони камаяди, яъни:  $n=2$ ,  $P_5=2$ ,  $P_4=1$ ,  $k=2$ ,  $q=1$  бўлади.

Бўғинларнинг турли мураккабликдаги ҳаракат қонунларини олиш учун ЭБКМларнинг кинематик схемаларини яратиш учун граф назариясидан фойдаланилди. Механизм графи сифатида белгилаб олинган граф олинади, граф чўққиларини қуйидагича тартибда рақамлаб оламиз: 1-таянч, 2-кириш бўғини, 3, 4 ва х.к.-қолган кўзгалувчан бўғинлар. Қуйидаги 6-расмда ЭБКМ ва уни графи тасвирланган.



6-расм. ЭБКМ кинематик схемаси ва унинг графи

Диссертациянинг “Қайишқоқ элементли таркибли кинематик жуфтли ричагли ва ЭБКМ кинематикаси” деб номланган учинчи бобида симметрик схемаларга эга ЭБКМ учун умумлашган кинематик модел ва бундай схемадаги ЭБКМни кинематик анализ натижалари келтирилган. Шунингдек, қайишқоқ элементли кривошип-коромислоли механизмларнинг кинематик характеристикалари берилган.

ЭБКМларда шкивлар сони ортиши билан улар орасидаги эгилувчан бўғинларнинг тўғри чизиқли ва эгри чизиқли участкалари сони ҳам ортади, яъни қуйидаги тенглик бажарилади:

$$S=n+1,$$

бу ерда  $S$ -тегишли участкалар сони,  $n$ -механизмдаги шкивлар сони.

Етакланувчи бўғиннинг қаралаётган элементи эгри чизиқли участкада қуйидаги қонун бўйича ҳаракатланади:

$$x_i = l_i + r_i \cos \omega_i t; \quad y_i = r_i \sin \omega_i t, \quad (3)$$

бу ерда  $l$ -етақловчи ва йўналтирувчи шкивлар марказлари орасидаги масофа. Бу ҳаракат тегишли шкив айланасига ўтказилган уринма билан перпендикулярини кесишиш нуқтасидан бошланади. Бу участкадаги ҳаракат вақти қуйидагига тенг

$$t = \frac{\pi/2 - \alpha_i}{R\omega/r_i},$$

бу ерда  $\alpha_i$ -эгилювчи бўғин билан  $OX$  ўқи орасидаги бурчак;  $R$ -етақловчи шкив радиуси.

Бу ҳаракат кейинги тегишли шкив айланасига ўтказилган уринма билан унга ўтказилган перпендикулярни кесишиш нуқтасида тугайди.

Тўғри чизиқли участкага ўтганда ҳаракат қонуни қуйидаги кўринишда бўлади



$$\begin{cases} x_i = \ell_i + r_i \sin \alpha_i - [R\omega t - r_i(\pi/2 - \alpha_i)] \cos \alpha_i \\ y_i = r_i \cos \alpha_i - [R\omega t - r_i(\pi/2 - \alpha_i)] \sin \alpha_i \end{cases}$$

Бу ҳаракат эгри чизикли участкани бошланиш нуқтасигача давом этади. Бу нуқта кейинги шкив айланасига ўтказилган уринма билан уринмага ўтказилган перпендикулярни кесиш нуқтасига мос тушади.

Бу ҳаракат вақти қуйидагига тенг

$$t = \frac{\pi/2 - \alpha_i}{R\omega/r_i} + \frac{h}{R\omega \sin \alpha_i},$$


бу ерда  $h$ -кейинги шкив ординатаси.

Шундай қилиб, кўрилаётган характерли нуқталар орқали ўтувчи тўғри чизик тенгламасидан фойдаланиб кулиса стерженини (кулиса стержени эркин учининг) ҳаракат қонуни қуйидагича келиб чиқар экан.

$$x = x_i \pm \frac{L}{\sqrt{k^2 + 1}}; y = y_i \pm \frac{kL}{\sqrt{k^2 + 1}}, \quad (4)$$

бу ерда  $L$ -кулиса узунлиги;  $k$ -тўғри чизик бурчак тангенси.


Шундай қилиб (4)-формула ёрдамида турли симметрик эгилувчан контурларга эга бўлган ЭБКМларнинг кулиса стерженини траекториясини олиш мумкин. 7-расмда ЭБКМни кинематик схемаси (а) ва кинематика масалалар натижалари (б) келтирилган. 7б-расмда: 1-А нуқта (кулиса стержени ва етакловчи бўғинга тегишли нуқта) траекторияси; 2-кулиса стерженини эгилувчан бўғинга боғланган В нуқта траекторияси; 3-кулиса стержени эркин учидagi Д нуқта траекторияси.



7-расм. Тадқиқ этилётган ЭБКМ кинематик схемаси

Кинематик анализ натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики,  $k$  сонини ортиб бориши билан механизмнинг габарит ўлчамлари ҳам ортиб борар экан. Бу механизмнинг иш қобилиятига салбий таъсир этиши мумкин. Шу сабабли чиқиш бўғинининг мураккаб ҳаракатини олиш учун бошқа турдаги ЭБКМлар схемаси ишлаб чиқилган.

Тавсия этилган кривошип-коромислоли механизм учун шатун ва кривошип орасидаги, шунингдек, шатун ва коромисло орасига ўрнатилган қайишқоқ элементларни деформациясини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш схемаси 8-расмда тасвирланган.



8-расм. Қайишқоқ элементли ва таркибли шарнирли кривошип-коромислоли механизмни ҳисоб схемаси

Кинематик жуфтлардаги қайишқоқ втулкаларнинг деформациясини максимал ва минимал қийматларда белгиланган кўринишда ҳисобга оламиз. Бунда кривошип, шатун ва коромисло узунликлари кинематик жуфтлардаги қайишқоқ втулкалар деформациясининг белгиланган қийматлари ҳисобига қисқариши ёки узайиши мумкин.

Тавсия этилаётган механизм кинематикасини ўрганишда  $B$  ва  $C$  шарнирлардаги қайишқоқ элементларнинг белгиланган деформациясини ҳисобга олган ҳолда маълум бўлган векторли контурлар усулидан фойдаланамиз.

$$\varphi_{3\min} = \arccos \frac{(l_2 - \Delta l_2)^2 - (l_1 - \Delta l_1)^2 - (l_3 - \Delta l_3)^2 - l_4^2 + 2(l_1 - \Delta l_1)l_4 \cos \varphi_1}{2(l_3 - \Delta l_3)\sqrt{(l_1 - \Delta l_1)^2 + l_4^2} - 2(l_1 - \Delta l_1)l_4 \cos \varphi_1} +$$

$$+ \arctg \frac{(l_1 - \Delta l_1) \sin \varphi_1}{(l_1 - \Delta l_1) \cos \varphi_1 - l_4}$$

8-расмдан қуйидагиларни кўриш мумкин:

$$\Delta \varphi_2 = \varphi_{2\max} - \varphi_2 = \varphi_2 - \varphi_{2\min}; \quad \Delta \varphi_3 = \varphi_{3\max} - \varphi_3 = \varphi_3 - \varphi_{3\min};$$

$$\varphi_2 = \frac{\varphi_{2\max} + \varphi_{2\min}}{2}; \quad \varphi_3 = \frac{\varphi_{3\max} + \varphi_{3\min}}{2}$$


Бунда кривошип ва шатун орасидаги шарнир ўқининг чизиқли тезлиги қуйидаги чегарада ўзгаради:

$$V_{\max} = (l_1 + \Delta l_1)\omega_1; \quad V_{\min} = (l_1 - \Delta l_1)\omega_1$$

Таркибли шарнирларда қайишқоқ элемент ўрнатилган кривошип-коромислоли механизмнинг кинематика масалаларини ечишда параметрларнинг қуйидаги қийматлари олинади:  $\omega_1=350 \text{ с}^{-1}$ ;  $l=32 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ ;  $l_2=65 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ ;  $l_3=36 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ ;  $l_4=62 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ ;  $\Delta l_1=(1,8 \dots 2,1) \cdot 10^{-3} \text{ м}$ ;  $\Delta l_2=(0,06 \dots 1,0) \cdot 10^{-3} \text{ м}$ ;  $\Delta l_3=(1,7 \dots 2,0) \cdot 10^{-3} \text{ м}$ .


Олинган натижалар 9-расмда келтирилган. Графикларни таҳлили шуни кўрсатдики,  $\Delta l_1$  ни  $0,6 \cdot 10^{-3} \text{ м}$  дан  $3,2 \cdot 10^{-2} \text{ м}$  га ортирилганда  $\Delta \varphi_2$  миқдори  $1,2^\circ$  дан  $3,25^\circ$  гача ортяпти.  $\Delta l_3$  нинг қийматининг ортиши билан  $\Delta \varphi_2$   $2,25^\circ$  га ошмоқда.

Бирок  $\Delta l_2$  нинг миқдорини узайтириш билан  $\Delta\varphi_2$  миқдори деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Ўзгариш  $0,4^\circ \dots 0,5^\circ$ ни ташкил этмоқда. Шу сабабли шатунни юқори частотали тебранишлар амплитудаси билан шарнирлардаги қайишқоқ элементларнинг белгиланган деформацияси ҳисобига таъминлаш учун  $\Delta l_1$  ва  $\Delta l_3$  қийматларини ўзгартириш ва  $\Delta l_2$  ни ўзгартирмай қолдириш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга коромислони юқори частотали амплитудасини ошириш учун  $\Delta l_1$  фарқини ўзгартиш ҳам мақсадга мувофиқ.



1- $\omega_1=425 \text{ c}^{-1}$  бўлганда; 2- $\omega_1=400 \text{ c}^{-1}$  бўлганда;  
3- $\omega_1=375 \text{ c}^{-1}$  бўлганда; 4- $\omega_1=350 \text{ c}^{-1}$  бўлганда;  
5- $\omega_1=325 \text{ c}^{-1}$  бўлганда;

*a*




1-  $f(\Delta l_1)$  бўлганда; 2-  $f(\Delta l_3)$  бўлганда;  
3-  $f(\Delta l_2)$  бўлганда;

*б*

**9-расм. а-Коромислони бурчак тезлиги  $\dot{\varphi}_3$  ни  $l_3-l_1$  узунликлар фарқига боғлиқ ҳолда ўзгартириш қонуниятига; б-Коромислони бурчак силжишини  $\Delta l_1$ ,  $\Delta l_2$  ва  $\Delta l_3$  белгиланган миқдорларини ўзгаришига мос ўзгариш қонуниятига**

Ричагли тўрт бўғинли механизмда шатун ва коромысло орасидаги кинематик жуфтлик таркибли, яъни унга қайишқоқ элемент ўрнатилган.

Кинематик жуфтдаги қайишқоқ втулканинг максимал деформацияланиши ҳисобига ўқлар орасидаги масофани ҳисоблаш учун 10-расмда тасвирланган схемадан фойдаланамиз.



**10-расм. Қайишқоқ элементли текис ричагли механизм**


Юқоридаги ҳисоблаш схемасига асосан қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\Delta\varphi_2 = \frac{1}{2} \left[ \begin{aligned} & \arccos \frac{l_1^2 + l_4^2 - 2l_1l_4 \cos \varphi_1 + (l_2 + \Delta l_2)^2 - (l_3 + \Delta l_3)^2}{2(l_3 + \Delta l_3)\sqrt{l_1^2 + l_4^2 - 2l_1l_4 \cos \varphi_1}} \\ & - \arccos \frac{l_1^2 + l_4^2 - 2l_1l_4 \cos \varphi_1 + (l_2 - \Delta l_2)^2 - (l_3 - \Delta l_3)^2}{2(l_2 - \Delta l_3)\sqrt{l_1^2 + l_4^2 - 2l_1l_4 \cos \varphi_1}} \end{aligned} \right]$$

$$\Delta\varphi_3 = \frac{1}{2} \left[ \begin{array}{l} \arccos \frac{l_1^2 + l_4^2 - 2l_1l_4 \cos \varphi_1 + (l_3 + \Delta l_3)^2 - (l_2 + \Delta l_2)^2}{2(l_3 + \Delta l_3)\sqrt{l_1^2 + l_4^2 - 2l_1l_4 \cos \varphi_1}} \\ - \arccos \frac{l_1^2 + l_4^2 - 2l_1l_4 \cos \varphi_1 + (l_3 - \Delta l_3)^2 - (l_2 - \Delta l_2)^2}{2(l_3 - \Delta l_3)\sqrt{l_1^2 + l_4^2 - 2l_1l_4 \cos \varphi_1}} \end{array} \right];$$

бунда  $\varphi_{3\max} = \varphi_3 + \Delta\varphi_3$ ;  $\varphi_{3\min} = \varphi_3 - \Delta\varphi_3$ ;  $\varphi_{2\max} = \varphi_2 + \Delta\varphi_2$ ;  $\varphi_{2\min} = \varphi_2 - \Delta\varphi_2$

Куйилган масалани сонли усулда ечиш асосида резинали втулкани деформациясини ҳисобга олган ҳолда ва  $r$  ҳамда  $l$  қийматларини вариациялашга боғлиқ ҳолда коромислони бурчак силжиши қонунлари олинди ва натижалар 11-расмда тасвирланган.



11-расм. Коромислонинг ҳаракат қонунлари

Диссертациянинг “Ричагли ва ЭБКМларни динамик тадқиқ этиш” деб номланган тўртинчи бобида қайишқоқ элементи бўлган ричагли кривошип-коромислоли механизм, таркибли ғилдиракли тишли узатмаларни динамик анализ қилиш натижалари, кинематик жуфтликдаги ишқаланиш моментини ҳисоблаш ва ЭБКМ ларни динамик анализи натижалари келтирилган.

Кўплаб технологик машиналар юритмаларида, хусусан, тозалаш ва тараш, тикув машиналарида ричагли кривошип-коромислоли механизмлар кенг қўлланилган. 12-расмда тавсия этилаётган кривошип-коромислоли механизмга эга уч массали машина агрегатини ҳисоблаш схемаси келтирилган.


Асинхрон электродвигатель моментини динамик характеристика кўринишида ҳисобга олинганда машина агрегати ва ишчи органлар ҳаракатини куйидаги тенгламалар системаси орқали ёзиш мумкин:

$$\frac{\omega_0 - \dot{\varphi}_1}{\omega_0} = \frac{S_k M_\delta}{2M_k} + \frac{M_\delta}{2\omega_c M_k}; \quad J_1 \ddot{\varphi}_1 = M_\delta - u_{21} M_1$$

$$J_2 \ddot{\varphi}_2 = M_1 - u_{32} M_2; \quad J_3 \ddot{\varphi}_3 = M_2 - c_1 \varphi_1 - v_1 \dot{\varphi}_1 - M_{cn}$$


бу ерда,  $\dot{\varphi}_1$ -идеал салт юришининг бурчак тезлик,  $1/c$ ;  $S_k$ -критик ёки максимал сирпаниш;  $M_\delta$  -асинхрон электродвигателнинг юргизиш momenti, Н/м;  $M_k$ - электродвигателни статик режимдаги критик максимал momenti, Нм;  $\omega_c$ - тармоқдаги бурчак частотаси,  $1/c$ ;  $J_1, J_2, J_3$ -мос ҳолда машина агрегати масалаларининг инерция моментлари кгм<sup>2</sup>;  $\ddot{\varphi}_1, \ddot{\varphi}_2, \ddot{\varphi}_3$  -мос равишда машина агрегати массаларининг бурчак тезланишлари,  $1/c^2$ ;  $M_1$  ва  $M_2$ -қаршилик

моментлари, Нм;  $u_{12}$  ва  $u_{23}$ -машина агрегат массаларининг узатишлар нисбатлари. Масалани сонли ечишда параметрларнинг қуйидаги қийматлари олинди:  $N=0,35$  кВт;  $n_1=1430$  айл/мин;  $l_1=(4,5-8,2)$  мм;  $l_2=(12,5-17,5)$  мм;  $l_3=(7,5-11,5)$  мм;  $c=(1,2-1,8)\cdot 10^2$  Нм/рад;  $J_3=(2,4-3,2)\cdot 10^{-3}$  кгм<sup>2</sup>;  $u_{12}=1,1$ ;  $u_{23}=1,5$ .



**12-расм. Кривошип-коромислоли механизмга эга уч массали машина агрегатини ҳисоблаш схемаси**


Коромислони ҳаракат қонунларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қайишқоқ элемент бўлмаган ҳолда тебраниш амплитудаси 0,46 рад га етар экан, бикрлик коэффиценти  $1,2\cdot 10^2$  Нм/рад бўлган қайишқоқ элемент ўрнатилганда эса 0,41 рад гача камайар экан. Бунда механизм кривошипини (0,1-0,12)π чегарасидаги бурилишида коромислони сезиларли тўхтатиш кузатилади (13-расм). Қайишқоқ боғланишнинг бикрлик коэффиценти 3,0·10<sup>2</sup> Нм/рад га ортишида коромислони тўхташ қиймати кривошипни бурчак силжишини (0,16-0,21)π миқдоригача ошади. Қайишқоқ боғланишнинг бикрлик коэффиценти вариациалаш билан коромислони четки ҳолатида тўхташ вақтини ўзгариши орасидаги график боғланишлар 14а-расмда тасвирланган. Графикни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қайишқоқ боғланишнинг бикрлик коэффиценти 0,9·10<sup>2</sup> Нм/рад дан 3,4·10<sup>2</sup> Нм/рад га оширилганда ва  $\omega_1=1,8\cdot 10^2$  рад/с бўлганда коромислони четки ҳолатидаги тўхташ вақти 0,06 дан 0,095 с гача ортади, бунда  $M_{cn}=0$ , бўлиши керак,  $M_{cn}=1,8\cdot 10$  Нм бўлганда эса бу вақт 0,045 с гача камайди. Шу сабабли коромислони четки ҳолатидаги тўхташ вақтини ошириш учун қайишқоқ боғланиш бикрлигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.




1-қайишқоқ боғланишсиз;  
2-  $c_3=1,2\cdot 10^2$  Нм/рад; 3-  $c_3=1,8\cdot 10^2$  Нм/рад; 4-  $c_3=2,4\cdot 10^2$  Нм/рад; 5-  $c_3=3,0\cdot 10^2$  Нм/рад  
**13-расм. Қайишқоқ боғланишдаги бикрлик коэффиценти ўзгаришида коромислони ҳаракат қонуни**

Коромисло инерция моментини  $0,8\cdot 10^{-3}$  кгм<sup>2</sup> дан  $5,6\cdot 10^{-3}$  кгм<sup>2</sup> га оширилганда ва  $c_2=2,4\cdot 10^2$  Нм/рад бўлганда коромислони бурчак тезлиги

тебраниши 2,1 рад/с дан 0,31 рад/с гача чизиксиз қонуният бўйича камаяди (14б-расм).



1, 3, 5-  $M_{cn}=1,8 \cdot 10^2$  Нм ; 2, 4, 6-  $M_{cn}=0$ ;  
1, 2-  $\omega_I=2,2 \cdot 10^2$  рад/с; 3, 4-  $\omega_I=1,8 \cdot 10^2$  рад/с;  
3-  $\omega_I=1,1 \cdot 10^2$  рад/с



1-  $c_3=1,2 \cdot 10^2$  Нм/рад; 2-  $c_3=1,8 \cdot 10^2$  Нм/рад;  
3-  $c_3=2,4 \cdot 10^2$  Нм/рад


**14-расм. Қайишқоқ боғланиш бикрлик коэффиценти ва кривошипни айланиш сонини ўзгаришидан коромисло четки ҳолатда тўхташ вақти ўзгаришининг график боғланиши (а) ва коромисло бурчак тезлиги тебранишини инерция моментига боғлиқ ҳолда ўзгариш графиги (б)**

